

РАЗДЕЛ 4

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК МАСАЛАЛАРИ КӘСИПТІК БІЛІМ БЕРУДІ ДАМЫТУДЫҢ ҰЙЫМДАСТЫРУ ЖӘНЕ ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ӘСЕРЛЕРІ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИО- НАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

М.А. Бекмирзаев, Л. Абдуолимова

Наманган муҳандислик-технология институти

О. Бекмирзаева

Наманган шаҳар 49-махсус мактаб интернат

Наманган, Ўзбекистон

mirzo1979@umail.uz

РАҚОБАТБАРДОШ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Аннотация. Мақолада бугунги кундаги энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланган таълим соҳасини ривожлантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, мутахассис, ўқитувчи, ўқувчи, педагогика, инновацион таълим технологиялари, сифат.

M.A. Bekmirzayev, L. Abduolimova

Namangan Engineering and Technology Institute

O. Bekmirzayeva

Namangan 49 special boarding school

Namangan, Uzbekistan

mirzo1979@umail.uz

TRAINING COMPETITIVE QUALIFIED PROFESSIONALS - GUARANTEE OF DEVELOPMENT

Abstract. *The article describes the development of education, which is one of the most important priorities today, the work being done to train qualified specialists, the achievements, existing problems and their solutions.*

Keywords: *education, specialist, teacher, student, pedagogy, innovative educational technologies, quality.*

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳалари учун янгича фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, ташаббускор, ишбилармон мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таълим соҳасига оид бир қатор маърузаларида инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий мутахассислар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига бир неча бор алоҳида тўхталиб ўтмоқдалар.

Айниқса, ҳозирги илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида миллий мутахассислар тайёрлаш замон талаби эканлигига жиддий эътибор берилмоғи лозим. Чунки, ҳар бир мутахассис ўз ишининг устаси бўлиши, ишончли одамларни атрофига тўплай олиши, ходимларни рағбатлантира олиши, уларга илиқ муносабатда бўлиши лозим.

Шу жиҳатдан Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ҳам биз – таълим соҳаси масъуллари учун чуқур даъват бўлиши лозим: “Фарзандларимизнинг қобилиятларини рўёбга чиқаришга болалиқдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятларимизни сафарбар этсак, юртимизда яна кўплаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади” [1].

Шунингдек, Республикамиз Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу соҳада ташланган яна бир ўта муҳим қадам бўлди. Бу ҳужжат ёшларимизни илм-фан бобида янада ғайрат-шижоат кўрсатишларига жуда катта туртки бўлди.

Сўнги йилларда Республикамизда мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан таълим тизимига оид бир қатор Фармон ва Қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўттиздан ортиқ қарорлари қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди.

Юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчиларнинг иш ҳақларини ошириш, узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог мутахассислар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Касб-ҳунар таълими ҳам иш берувчиларнинг реал талабидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда. Академик лицейларнинг янгича ташкил қилиниши, мактабгача таълим тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида тубдан ўзгартирилиши, таълим соҳасида рақобат муҳитини яратишга олиб келувчи хусусий таълим муассасаларининг очилиши, ёшларнинг инновацион билим ва фанни эгаллашлари учун хорижий университетларда таҳсил олишлари, ва албатта, 2019 йил 20 февралдаги Президент Қарори асосида Президент мактабларининг ташкил қилиниши таълим ислохотларини жадаллаштириш ва уни юқори поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлаш борасида айрим муаммолар ҳам учраб келмоқдаки, уларни ҳал этмасдан туриб кўзланган бош мақсадга эришиш қийин.

Булар жумласига таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, талаба(ўқувчи)ларга яратилган шарт-шароитлар, моддий-техника базаси, замонавий ўқув лаборатория жиҳозларининг мавжудлиги, таълим муассасалари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқалар, таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашуви, яъни аҳоли яшаш ва транспорт қатновига нисбатан ноқулай жойлашуви, таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи нуфузининг пасайиши, янги давр педагоглари тарбиялаш вақти етиб келганлиги, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли даражада эътибор берилмагани кабилар билан боғлиқ муаммоларни киритиш мумкин [2].

Буларнинг барчаси ёшларни юқори малакали мутахассис бўлиб етишиб чиқишига эмас, балки таълим олишга бўлган қизиқишини пасайиб кетишига ҳам олиб келади. Шундай экан, юқори малакали, жаҳон андозалари талабларига мос келадиган рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлашда таъкидлаб ўтилган муаммоларни самарали ҳал этиш лозим бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган муаммолар таълим жараёни учун сезиларли таъсир кўрсатади. Бироқ, таълим жараёнида асосий омил бу – ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларидир. Бу икки субъектни боғлаб турувчи яна бир омил эса таълим-тарбия ҳамда унинг сифатидир.

Таълим сифати жамият равнақини таъминлайдиган асосий ва бирламчи омил сифатида давлатнинг устувор масаласига айланиб улгурган. Ҳозирда иқтисодийнинг реал секторлари талабидан келиб чиқиб, миллий мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш энг асосий долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада ҳар бир фуқаро таълим ислоҳотларида фаол иштирок этиши даркор.

Келгусида замон талабларига мос рақобатбардош малакали мутахассислар тайёрлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, яъни уларни замонавий ўқув анжомлари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланишга эришиш;

2. Таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларини ўқув адабиётлари билан янада бойитиш, яъни бунда фақат дарслик ва ўқув қўлланмалар билан чегараланиб қолмасдан монография, рисола ва илмий ахборотномалар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларнинг сифатини ошириш;

3. Таълим муассасаларини барпо этишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳам инобатга олиш;

4. Таълим-тарбия жараёнида замонавий ахборот-коммуникацион ва инновацион таълим технологияларидан, хусусан интернет манбаларидан самарали фойдаланиш;

5. Таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг ҳам масъулиятини янада ошириш, жавобгарлигини кучайтириш;

6. Таълим муассасасидан ташқари илмий-ижодий тўғараклар фаолиятини янада жонлантириш;

7. Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятини юксалтириш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

8. Ўқитишнинг ривожланган давлатлар хорижий тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва хорижий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш, ўқув дастурларини ҳам илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш;

9. Соҳа мутахассислари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш;

10. Талаба ва ўқувчи-ёшларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини янада ривожлантириш, мустақил фикрлай олиш, мушоҳада юритиш, хулоса қилиш каби хислатларни намоён қила олиш;

11. Ишлаб чиқариш корхоналари билан таълим муассасаларининг ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, корхоналарда талаба(ўқувчи)лар амалиётларини самарали йўлга қўйиш ва ҳоказолар киради.

Юқоридаги муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши Республикамизда рақобатбардош етук малакали мутахассисларнинг шаклланишига ва шу билан биргаликда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг юксалишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 25 январь. Режим доступа: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

2. Бекмирзаев А.Ш., Бекмирзаев М.А., Бекмирзаева О.А. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари. “Маҳаллий хом-ашёлардан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик масалалари” номли Республика илмий-амалий анжумани тезислари тўплами, Наманган, НамМТИ, 2011 йил.

М.А. Бекмирзаев, Л.Абдуолимова

Наманган муҳандислик-технология институти

О.Бекмирзаева

Наманган шаҳар 49-махсус мактаб интернат

Наманган, Ўзбекистон,

mirzo1979@umail.uz

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада бугунги кундаги энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланган таълим сифати, уни янада ошириш, таълим сифатини оширишда педагогик технологиялар, педагогик технологияларнинг моҳияти ва улардан самарали фойдаланиш масалалари тўғрисида баён қилинган.

Калит сўзлар: таълим, мутахассис, ўқитувчи, ўқувчи, педагогика, инновацион таълим технологиялари, сифат.

M. Bekmirzayev, L. Abduolimova

Namangan Engineering and Technology Institute